



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Номозова Қумри Исоеvna

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 7

DOI:https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a3

ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИ

СУҒУРТАСИННИ

ABSTRACT

Мазкур мақолада тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган рискларни сугурта қилиши масаласида Ўзбекистондаги мавжуд ҳолат таҳлил қилинган. Ушбу йўналишида маҳаллий олимлар ва Россия Федерацияси олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ўрганилган ва уларнинг фикрлари келтирилган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон хукумати томонидан тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида тадбиркорлик соғаси иктисадиётнинг етакчи тармогига айланди. Бу эса ўз ўрнида тадбиркорлик фаолияти рискларининг ортиши ва натижасида сугурта хизматларига талаб органиги келтирилмоқда. Муаллиф томонидан мазкур сугурта тармогини ривожлантиришга қартилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадбиркорлик таваккалчилуклари, инвестицион рисклар, кичик бизнес, чет эл сугурта компанияси, рисклар кўлами, наунавий қоидалар, тжорат банклари.

KEYWORDS

Кириш (Introduction/Введение)

Мамлакатда иктисадиётнинг кўтарилиши юз берган шароитда одатда тадбиркорлик таваккалчилуклари ва инвестицион рисклар билан боғлик сугурта турларига бўлган талаб ортади. Натижада ушбу даврда бу каби сугурта турлари ривожланади ва кенгаяди. Сугурталовчилар иктисадиётда мўтадилларни таъминловчи восита сифатида, иктисадиётга аҳолидаги ортиқча пул массаларини жалб килиш билан унинг бир текис ривожланишини таъминлайди.

Ўзбекистон миллий сугурта компанияларининг ялпи устав капитали ва жами активларининг ортиб бораётганилиги ва тадбиркорлик таваккалчилуклари сугуртасига бўлган талабнинг ошиб бораётганилигини эътиборга олганда, якин йиллар оралигига миллий сугурта бозорининг сигими сезиларли даражада ортишини таҳмин килиш мумкин.

Тадбиркорлик соҳасини талаб даражасида сугурта хизматлари билан таъминлаш мазкур соҳа ривожланишининг мухим омили эканлигини эътиборга олган холда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 2-августидаги “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ килиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида тадбиркорлик субъектларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларни таъминлашга қартилган сугурта хизматларининг талаб юкори бўлган анъанавий турларни ривожлантиришга ва янги турларни жорий килишга кўмаклашиб, кишилк хўжалиги фаолияти соҳасида сугурта химоясини кучайтириш” вазифаси алоҳида белгилаб қўйилди[1].

Бугунги кунга кадар миллий сугурта бозорининг ривожланишига тўсик бўлаётган холатлар сифатида жаҳон миқёсида бўлиб ўтган пандемия холати, хозиргача давом этаётган Россия Украина уруши ва бошка давлатлар ўртасида бўлаётган уруш харакатлари давлатлар томонидан ички тартиба солиш усулларининг кескинлашуви, инвестицион ресурсларни жалб килишнинг реал воситалари ва мухитининг йўклиги, инфляция даражасининг юкорилиги, иктисадиётда пул ресурслари харакатининг чегараланганилиги инсонлар турмуш тарзини бутунлай

ўзгартириб юбораётганилиги ва иктисадиётнинг кўпгина соҳаларини издан чиқараётганилиги холатлари сугуртанинг ривожига яна янги тўсик бўлмоқда. Аммо бу вақтинчалик холатлар бўлиб, якин келажакда, мазкур тўсиклар олиб ташланади ва сугурта хизматлари кенг ривожланиши палласига киради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review, Анализ литературы).

Европалик буюк иктисадчи Й.Шумпетернинг (1883-1950 йилларда яшаб ижод қилган) таъкидлашича, тадбиркорликнинг иктисадий жараёни ўртacha даромад олиш билан белгиланмайди, балки юкори даромад олиш жараёни билан – таракор ишлаб чиқариш жараёнида янги комбинацияларни ишлатиш орқали тадбиркорлик даромадини олиш билан белгиланади. Тадбиркорлик тўғрисида унинг шундай ибораси бор: “Тадбиркорликнинг жамият ижтимоий-иктисадий тараққиётидаги хал килувчи ролини у бўлмаган жойда жуда хис килиш мумкин”[2].

Қ.А.Шарипов Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ошиб бораётганилиги ва ушбу холат сугурта хизматларига бўлган талабни ошираётганилини таъкидлаб, шундай дейди: Дунё миқёсида глобаллашув жараёнлари кучайб бораётган бутунги кунда, ушбу жараёнга тобора кириб бораётган мамлакатимизда иктисадиётни модернизация килиш давом этаётган ва айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг кўлами кескин даражада ошиб бораётган бир пайтда, сугурта хизматларига бўлган эҳтиёж янада ортиб бормоқда[3].

Қ.М.Қўлдошевнинг таъкидлашича - сугурта фаолияти тадбиркорлик таваккалчилуклари оқибатларини, халқаро муносабатлардаги савдо, туризм ва бошка жараёнларда юзага келадиган хатарларни бартараф этиш, ижтимоий ҳаётдаги баркарорликни таъминлаш, иктисадиётга инвестициялар йўналтириш учун сезиларни манбаларни шакллантириш ҳамда инвестиция рискларини юмшатиш хусусиятларига эгалиги билан иктисадиётнинг етакчи соҳаларидан бири сифатида амал килади[4].

Е.А.Павлованинг фикрига кўра, ...Бироқ, тадбиркорлик фаолияти учун энг қулай шарт-шароитлар яратилган тақдирда хам, ушбу соҳанинг ҳар хил нокулай холатларга юкори даражада

берилувчанилиги объектив равища корхоналар самарадорлигининг пасайишига ва пировардида банкротликка олиб келади. Шунинг учун сугурта кичик бизнесни кўллаб-куватлаш ва муваффакиятли фаолият юритиш шаклларидан бирни сифатида кўриб чикилиши керак[5]. Е.Ю.Чемерисовага кўра, бозор иктисодиёт шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий фаолияти турилноаниклик ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатларнинг юзага келиши ва турил хил хавфларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Замонавий менежмент ва давлат томонидан тартиба солишнинг вазифаси ушбу хавфларни самарали бошқариш механизmlарини яратишдир. Ушбу соҳадаги хатарларни бошқариш воситаларидан бирни сугурта институтидир[6].

Тадбиркорлик фаолияти билан бөгик заарлар ҳажми тўғридан-тўғри бевосита заарлардан ёки асосий ва айланма маблагларнинг йўқотилиши ҳажмидан бир неча баравар кўп бўлиши мумкин. Тадбиркорлик фаолиятидаги бундай заарлар хўжалик фаолиятидаги узилишлардан сугурталаш шартномаси орқали коплаб берилиши мумкин [7].

Тадқиқот максади ва усуллари (Research objective and methods, Цель и методы исследования).

Мазкур тадқиқот ишида статистик таҳлил, эмпирик таҳлил ва таққослама таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тахлил ва натижалар (Analysis and results, Анализ и результаты.).

Ўзбекистонда сугурта хизматларининг ривожига тўсик бўлаётган ички сабаблар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин: ресурслар диверсификациясининг етарили эмаслиги билан белгиланувчи, сугурта компаниясининг хато сугурта сиёсати; бозор молиявий ҳолати таҳлилиниң паст даражаси; професионал менежментнинг етарили эмаслиги; стратегик режалаштиришнинг йўклиги; маъмурӣ ҳаражатларнинг юкорилиги; персонал малакасининг пастлиги; ракобат даражасининг пастлиги; сугурта инфратузилмасининг ривожланмаганилиги; сугурталанувчилар ишончининг қозонилмаганилиги, бунинг асосий сабабларидан бири сугурта шартномаларни ваколатли орган томонидан назоратга олиш йўлга қўйилмаганилиги натижасида шартнома шартларининг кўпроқ сугурталовчи манфаатларини кўзлаган ҳолда ишлаб чикилиши; хизматлар таклифи хилма-хиллигининг камлиги; хизматлар баҳосининг юкорилиги ва ҳоказолар.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор каратилиши натижасида сўнгги беш йилда мазкур соҳанинг кўлами сезиларли даражада кенгайди. Буни куйидаги жадвал маълумотлари кўрсатиб туриди.

Жадвал 1

Кичик бизнес субъектларининг иктисодиётдаги улуси кўрсатиччлари (Фермер ва лехкон хўжаликларидан ташкари)

Кўрсатиччлар	2019	2020	2021	2022	2023	Ўншиш, %
Кичик бизнес субъектлари сони (минг бирлик)	344 085	424 395	503 308	548 415	608 930	157,9
ЯИМ, млрд.сўм (2023 йил тарж.сўмда)	511 800	580 200	734 600	888 340	1,07	214,0
Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуси, %	56,0	54,8	54,1	51,8	56,5	100,9
Кичик бизнеснинг саноатдаги улуси, %	25,8	27,9	27,4	26,0	28,4	110,1
Кичик бизнеснинг курилишдаги улуси, %	25,8	27,9	64,8	73,2	75,4	292,3
Кичик бизнеснинг бандликдаги улуси, %	75,8	72,5	72,5	71,5	76,6	101,1
Кичик бизнеснинг экспортдаги улуси, %	27,0	20,5	20,0	29,6	25,3	93,7
Кичик бизнеснинг импортдаги улуси, %	61,6	51,7	45,3	49,4	48,4	78,6

Жадвал маълумотларидан маълум бўладики, кичик бизнес субъектлари сони бўйича 2023 йилда сезиларли ўсиш юз бераби, натижада ушбу соҳанинг ЯИМдаги улусида сўнгги уч йилдан кейин ўсишга олиб келган. Кичик бизнеснинг иктисодиёт тармоклари, бандлик, экспорт ва импортдаги улуси бўйича юкори ўсиш курилиш соҳаси хиссасига тўғри келиб, экспорт ва импортдаги улусида пасайиш юз берганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, тадбиркорлик соҳасининг иктисодиётдаги мавкеи сон жиҳатидан ҳам, ишлаб чиқариш ва бошқа ўйналишларда ҳам ортган бўлиб, бу ўз ўрнида ушбу соҳадаги рисклар ҳажми ва турли-туманлигининг ортишига олиб келади. Аммо мазкур соҳани сугурта хизматлари билан камраб олини борасида ўсиш секин кечмокда. Ушбу муаммони ҳал этиши йўлларидан бири, сугурта

бозорида чет эл сугурта компанияларининг фаолият кўрсатишига йўл очиб беришдир.

Сугурта соҳаси ривожланган чет эл сугурта компанияларининг энди ривожланиши боскчида бўлган сугурта бозорида фаолият кўрсатиши куйидаги имкониятларни яратади:

-чет эл инвесторлари маблаглари хисобига капиталлашув даражаси ва бозор сиғими ошади;

-илгор сугурта технологиялари кириб келади;

-сугурта хизматларининг хилма-хиллиги ва сифати ошади ҳамда хизмат танниҳиҳи пасаиди;

-бозорнинг ўзлаштирилмаган қисмлари тезрок ўзлаштирилади ва натижада рақобат кучаяди;

-сугурта инфратузилмаси ривожланади ва такомиллашади.

Дунё мамлакатлари миллий сугурта бозорлари ичida тўлалигича очиқ сугурта бозорлари деярли йўқ. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳам ўз миллий бозорларида бир қанча кўринишдаги чегаралар кўйиш ҳукукига эга. Чет эл сугурта ташкилотлари учун маълум кўринишдаги чегаралар кўйган мамлакатлар сифатида Австралия, Канада, Миср, Финландия, Италия, Греция, АҚШ ва бошқа мамлакатларни санаб ўтиш мумкин. Баъзи мажбурий сугурта турларига чегара кўйган мамлакатлар сифатида Австралия, Болгария, Канада, Чехия, Финландия, Словакия каби мамлакатларни келтириш мумкин. Канада ва бошқа бъязи мамлакатларда чет эл сугурталовчилари миллий сугурта ташкилотларига нисбатан солик тўловларининг симметрик бўлмаган усуллари кўлланилади.

Тадбиркорлик таваккалчиликлари сугуртаси тармогининг ривожи, асосан мамлакатнинг иктисодий ривожланганлик даражасига, шу билан бирга, ушбу соҳанинг ривожи тадбиркорлик субъектларининг тўловга кобиллиги, мулкий, жавобгарлик, шахсий ва тадбиркорлик таваккалчиликлари сугурта турларига нисбатан солик имтиёзларининг мавжудлигига, ҳамда мажбурий сугурта турларининг кўламига боғлиқ.

Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва ташкии иктисодий фаолиятнинг кенгайиши, ҳамда молия бозорида кулаги мухитнинг яратилиши тадбиркорлик тавааккличиларни сугуртаси ҳажми ва турларининг кенгайишига олиб келувчи омиллар хисобланади.

Юкоридагилар билан бирга, параллел равища да ҳар қандай шаронтида давлатнинг сугурта соҳасини ривожлантириша бўлган эътибори, такомиллашган конунчилик базасининг яратилганилиги, потенциал сугурталанувчиларни жалб килишга йўналтирилган молиявий инструментларнинг кўлланилиши, сугурта фаолиятини давлат томонидан тартиба солиш ва назорат килишининг самарали механизмининг яратилганилиги соҳанинг ривожида мухим роль ўйнайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий сугурта бозорида сугурта хизматларининг баҳоси турлича. Кўпина сугурта хизматларининг баҳоси юкори бўлгани ҳолда бъязи сугурта турларида демпинг нархлар ҳам кузатилади. Демпинг нархларнинг мавжудлигини сугурта копламалари учун йўналтирилган маблагларнинг йигилган сугурта мукофотларига нисбатан кам ҳажмда эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда истиқболда юридик шахслар сугуртасининг мамлакатимиз учун долзарб бўлган, тадбиркорларга нисбатан учинчи шахсларнинг ноконуний ҳатти-харакатлари билан боғлик сугурта турлари ривожланади. Масалан, банкларни криминал рисклардан сугурталаш. Бундай сугурта тури чет мамлакатлarda мажбурий бўлиб, ушбу сугурта полиси (Bankers Blanket Bond) банкнинг хавфсизлиги ва ишончлилигининг кафолати хисобланади. Статистикага кўра, банк секторидаги жиноятларнинг кариби 90 фоизи бевосита банк ходимларининг ўзлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон бугунги кунда миллий хўжаликни жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг тарафдори хисобланади. Шундай экан, миллий сугурта тизимини ҳам жаҳон сугурта тизимига интеграциялашувини амалга ошириш зарурати юзага келади. Бунинг учун миллий сугурта бозорининг ҳукукий базасини ҳалкаро меъёрларга мослашувини таъминлаш зарур.

Маълумки, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан фуқаролар ва юридик шахслар учун оммавий равища истеъмол кредитлари тақдим этилмоқда. Чет эл тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда ушбу жараённинг янада ривожланишини таҳмин килиш

мумкин. Бунда сугурталанувчи ва наф олувчи сифатида кредит тақдим этаётган банк иштирок этади. Кредитнинг ушбу тури таклиф этилаётганига жуда кўп вакт ўтгани йўқ. Шунинг учун, бу борада банклар ўртасидаги рақобат чет мамлакатлардаги каби кучли эмас. Ушбу ҳолат ҳамда мамлакатда кредит фаолияти бўйича банкларнинг монополиги туфайли мазкур кредитларни юкори фонизларда тақдим этган ҳолда риск учун жавобгарликни ўзларида саклаб қолмокда. Бу эса муаммоли кредитлар хажмининг ортишига олиб келмоқда.

Тадбиркорлик рисклари сугуртасида истиқболли йўналишлардан бирни лизинг берувчининг риски сугуртаси, аниқроғи лизинг олувчининг лизинг тўловларини тўлай олмаслиги риски сугуртаси хисобланади. Ушбу сугурта тури анъянавий хисобланган лизинг мулки сугуртасидан фарқ килиб, бунда сугурта воситасида лизинг берувчининг кредит риски тўлиқ химояя олинади. Ушбу сугуртани мамлакатимизда кенг йўлга кўйиш зарур деб хисоблаймиз. Чунки мамлакатимизда лизинг фаолияти анчагина кенг ривожланмоқда.

Бугунги кунда миллий сугурталовчиларимиз учун сугурта маҳсулотларини сотишнинг универсал технологиялари, хўжалик субъектларининг янги талабарини кондиришга мўлжалланган янги сугурта маҳсулотлари зарур. Бунинг учун сугурталовчилар бозорда изчил маркетинг тадқиқотларини амалга оширишлари, ҳамда илгор чет мамлакатлар тажрибаларини ўргангандан ҳолда миллий бозорга мос сугурта маҳсулотларини ишлаб чиқишилари зарур.

Мамлакатимизда тадбиркорлик таваккалчиликлари сугуртаси ривожланишининг куйи погонасида турибди. Тадбиркорлик фаолияти эса мамлакатимизда кундан-кунга кенгайиб, иқтисодиётнинг етакчи кучига айланиб бормоқда ва ўз ўрнида бу борадаги рисклар кўлами хам ортиб бормоқда. Ушбу соҳа сугуртаси нисбатан сеқин ривожланаётганини бу борадаги сугурталанмаган рискларнинг ортишига олиб келмоқда. Бунинг сабаблари сифатида, биринчи ўринда сугурталовчилар томонидан мазкур сугурта турларини замон талаблари даражасида кенг ассортиментда ва қулай шартларда тадбиркорларга тақлиф этиши борасида етарли изланишлар олиб борилмаётганини, ҳамда шу билан бирга, тадбиркорларнинг бу борадаги тушунчаларининг етарили эмаслигини кўрсатиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда амалда кенг кўлланилаётган инвестицион рисклар сугуртаси мамлакатимизда амалга кўлланилаётгани йўқ ва бу бўйича намунавий коидалар хам мавжуд эмас. Масалан, кимматли көгозларга, инвестицион пайларга, банк депозитларига ва иқтисодиётнинг реал секторига аниқ лойихаларга йўналтириладиган инвестицияларнинг барчаси хам ўзига хослика эга бўлиб, уларни бир хил коидалар асосида сугурталаб бўлмайди.

Реал секторга йўналтириладиган инвестицияларни химоя килиш инструментлари республикада амалда йўқ. Иқтисодиётнинг ривожини таъминлашда реал секторга йўналтириладиган инвестицияларнинг роли мухим бўлиб, ўз ўрнида мазкур инвестиацияларни турили рисклардан химоясини таъминлаш мухим вазифалардан бири хисобланади.

Инвестицион рискларни сугурталаш бўйича намунавий коидаларни тартибида солиши предметини белгилаб олишида сугурта бўйича ушбу коидаларнинг ўзига хослигини хисобга олган ҳолда белгиланадиган бир қанча терминлар ишлатилиди. Хусусан, кейинги йилларда “асосий капиталга инвестициялар” термини кенг кўлланимоқда. Аммо Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги конунда бундай термин кўлланилмаган. Ушбу конуннинг “Мўлжалланган обьектига кўра инвестицияларнинг турлари” деб номланган 4-моддасида “капитал инвестициялар” терминига тушунча берилган бўлиб, унга кўра капитал инвестициялар - асосий фондларни вужудга келтириш ва тақор ишлаб чиқаришга, шу жумладан янги курилишга, модернизациялашга, реконструкция килишга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар киради деб белгилаб кўйилган[8].

Ушбу конунда “инновация инвестициялари” терминига хам тушунча берилган. Инвестиция рискларини сугурталаш бўйича намунавий коидаларни ишлаб чиқишида, шу жумладан реал инвестициялар билан билан боғлик масалаларда олимларнинг фикрларига эътибор каратадиган бўлсак, Россиялик олим С.Филиннинг фикрига кўра (С.Филин – мустакил эксперт, инвестицион ва молиявий таҳлилчилар гильдиясининг аъзоси),

инновацион лойихаларга йўналтириладиган инвестицияларда юкори даражада риск мавжуд бўлиб, венчур компанияларнинг бу борадаги мевафикаzioni бор-йўғи 10-20 фоизни ташкил килади [9]. Шундан келиб чиқкан ҳолда, сугурта маҳсулотининг янгилигини, ҳамда инновацион лойихаларнинг юкори риск даражасига эга эканлигини хисобга олиб, сугурта бўйича инвестицион рискларнинг намунавий коидаларини бошлангич даврда венчур лойихаларга нисбатан кўлламаслик бу борадаги риск даражасини камайтиради.

Инвестицион рисклар сугуртаси тадбиркорлик рисклари сугуртасининг қисми хисобланаби, шундай экан, риски сугуртага қабул килишда сугурталанаётган инвестицион фаолияти тадбиркорлик фаолияти бўйлиб хисобланади. Тадбиркорлик фаолияти ўз хусусиятига кўра мустакил, ўз таваккалчилиги асосида (ўз мулки билан таваккал килган ҳолда) амалга оширилади ва доимий равишда фойда олиш мақсадига йўналтирилган фаолиятди.

Юкоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, инвестицион рисклар сугуртасининг намунавий коидаларини ишлаб чиқишида кўлланиладиган инвестиция сўзининг мазмунига куйидагича таъриф бериш мумкин: инвестициялар – пул маблаглари, қимматли көгозлар, бошқа мулклар, шу билан бирга пул қийматига эга бўлган мулкий хукуклар, даромад олиш мақсадида тадбиркорлик обьектларига йўналтирилган маблаглардир.

Инвестиция рискларини сугурталаш бўйича намунавий коидаларнинг “Умумий коидалар” бўлимида яна инвестиция учун хос бўлган “Инвестицион фаолият”, “Инвестицион лойиха”, “Инвестицион ресурс” каби тушунчаларга хам изоҳ берип ўтиш бу борадаги тушунмочиликларни бартараф килишда хизмат килади.

Мазкур намунавий коиданинг “сугурта муносабатлари субъектлари” бўлимида сугурталовчи, сугурталанувчи ва сугурта воситачилари таъминлашида ўртасида бўладиган муносабатлар акс эттирилади. Ҳозирги мавжуд қонунчиликка кўра, сугурталовчи сифатида умумий сугурта тармогининг тадбиркорлик фаолиятига тааллукли класслари бўйича лицензияга эга бўлган сугурта ташкилотлари иштирок этиши мумкин. Сугурталанувчи сифатида эса инвестицион фаолиятни амалга ошираётган инвесторнинг ўзи иштирок этади. Бундай инвестор сифатида Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган юридик шахс, хусусий тадбиркор ёки Ўзбекистонга инвестиция киритаётган чет эллик инвестор бўлиши мумкин.

Холоса (Conclusion, Заключение).

Юкорида тадбиркорлик таваккалчиликлари сугуртасининг моҳияти, хусусиятлари ва тадбиркорлик фаолиятининг баркарорлигини таъминлашдаги ўрни масалаларида тўплланган материаллар ва амалга оширилган таҳлилларга асосланган ҳолда кўйидаги хуласалар, тақлиф ва тавсиялар шакллантирилди.

Сўнгти беш йил ичидаги тадбиркорлик соҳасининг асосини ташкил этувчи кичик бизнес субъектлари сони салқам икки баравар ошиди ва шу билан бирга ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60 фоизга яқинлашди. Бундан холоса килиш мумкинни, тадбиркорлик соҳаси ититодиётнинг етакчи кучига айланди.

Тадбиркорлик субъектлари сонининг ортиши ва улар томонидан товарлар, кўрсатилаётган иш ва хизматларнинг ортиши улар билан боғлик турли кўринишдаги рискларнинг ортишига олиб келди. Аммо ушбу рискларнинг юз бериши натижасида юзага келиши мумкин бўлган заарларнинг коплаб берилишини кўзда тутувчи воситалардан талаб даражасида фойдаланилмаяти. Ушбу воситалар ичидаги дунё мамлакатларида кенг ва самарали кўлланилаётган сугуртадан талаб даражасида фойдаланилмаяти.

Юкоридагилардан келиб чиқкан ҳолда тадбиркорлик таваккалчиликлари сугуртасини ривожлантиришга каратилган кўйидаги тадбирларни амалга ошириш тақлиф этилади.

- тадбиркорлик таваккалчиликлари сугуртасини ривожлантириш омиллари сифатида чет мамлакатлар илгор сугурта компанияларнинг Ўзбекистон сугурта бозорида тўғридан-тўғри фаолият кўрсатишига йўл очиб бериш;

- сугурта компанияларни томонидан ишлаб чиқилган сугурта маҳсулотлари шартларини ваколатли давлат органи томонидан назоратга олиш тизимини йўлга кўйиш оркали икки томон (сугурталовчи ва сугурталанувчи) манбаатлари мувозанатини таъминлаш;

- инвестицион рисклар сугуртасининг намунавий коидаларини қайта ишлаб чиқиш ва бунда юкорида келтирилган ҳолатларни эътиборга олиш тақлиф этилади.

References:

1. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 07/19/4412/3512-сон.
2. Дикинс, Д.; Фрил, МС (2009) «Предпринимательская деятельность, экономика и значение малых предприятий». Предпринимательство и малые фирмы. McGraw-Hill образования. ISBN 978-0-07-712162-4.
3. Sharipov, K. (2023). O'ZBEKISTON SUG'URTA BOZORINING MAMLAKAT IQTISODIYOTIDA TUTGAN O'RNI VA RIVOJLANTIRISH BILAN BOG'LIQ MUAMMOLAR. Страховой рынок Узбекистана, 1(1), 1–2. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/14>
4. Кўлдошев, К. (2023). ЎЗБЕКИСТОН СУФУРТА БОЗОРИ: РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУАММОЛАР. Страховой рынок Узбекистана, 1(4), 1–4. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/55>
5. Павлова Е.А. Страхование малого бизнеса в сфере услуг как форма поддержки и развития предпринимательства. Автореферат дис. ... канд. экон. наук : 08.00.05 Москва, 2002 181 с.РГБ ОД,61:02-8/1264-2
6. Чемерисова Е.Ю. Договор страхования предпринимательских рисков. Автореферат дис. ... канд. юр. наук : 08.00.05 Казан, 2015 179 с.
7. Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование. Москва. ИНФРА.М 2006 стр.79
8. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Конун. 2019 йил 25 декабрь. Lex.UZ
9. Филин С., Панкратова Ю. Прогнозирование прибыли венчурных проектов. // РИСК 2001 №2 с.19.
10. Stat.uz сайти.
11. IMDA.UZ сайти...